O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 18 (9.362) 2000 йил 11 февраль, жума ◆ Сотувда эркин нархда

Бугун

иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди

"БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ" – ТУРК ТИЛИДА

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг "ўзбек модели" тамойиллари, халқаро аҳвол ва хавфсизлик масалаларига бағишланган асарлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам тобора катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ислом Каримовнинг юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ва мамлакатимизнинг буюк келажаги бунёдкорларини тарбиялашга қаратилган таълим ислоҳотларига бағишланган фикр-мулоҳазаларини ўзида жамлаган "Баркамол авлод орзуси" китоби турк тилида босмадан чиқди. Китоб юртимизда фаолият юритаётган ўзбек-турк лицейлари бош мудирлиги томонидан Туркиянинг Истанбул шаҳрида нашр этилди.

Мазкур китобда Юртбошимизнинг мамлакатимизда ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, миллий мафкурани шакллантириш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги фикрлари жамланган.

Китобнинг "Аждодлар орзуси", "Мустақиллик – орзулар рўёби", "Орзуга эришмоқ йўли", "Баркамол авлод ёхуд "Портлаш эффекти" нима?" деб номланган бўлимларида Йўлбошчимизнинг маърифат ва ёшлар тарбияси, янги таълим тизимининг мақсад ва вазифалари, босқич ва шакллари хусусидаги теран мулоҳазалари баён этилиб, уларнинг мазмун-моҳияти кенг ёритиб берилган.

– Дўст ва қардош Ўзбекистон Республикаси XXI асрга Ислом Каримовдек кучли раҳбар билан қадам қўймоқда, – дейилади китобнинг турк тилидаги нашри сўзбошисида. – У Ўзбекистоннинг сиёсий келажагида ўзига хос порлоқ бир шаклда намоён бўлди. Илтифотли, лекин ўз фикрида собит, ҳозиржавоб ва билимдон, ўз қарашларини атрофидагиларга ҳар доим исботлашга тайёр сардор сифатида дунёнинг машҳур сиёсатчилари сафидан жой олди.

Ислом Каримов 2000 йилнинг бошларида ўтказилган Президент сайловларидаги катта муваффақияти билан Ўзбекистон халқи ишончини қозонган инсон эканлигини яна бир бор исботлади. Ўзбекистон ҳукумати унинг раҳбарлигида жамиятнинг тубдан ўзгаришини ва янгиланишини таъминлайдиган кўп тармоқли ислоҳотларни давом эттирмоқда. Шубҳа йўққи, бу ислоҳотларда таълим соҳасидаги ўзгартиришлар ҳам катта ўрин тутади, деб таъкидланади сўзбошида.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида белгиланган вазифаларни амалга оширишни таъминлаш чоралари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасида баён этилган сиёсий, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги устувор йўналишларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш мақсадида:

1. Соҳалар бўйича тадбирлар дастурини тайёрлайдиган ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқлансин.

2. Ишчи гуруҳлари тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш жараёнига давлат ва жамоат ташкилотлари, вазирликлар ходимларини, олимлар, мутахассислар ҳамда кенг жамоатчилик вакилларини жалб этсинлар.

3. Ишчи гуруҳларининг олдига асосий мақсад қилиб қуйидаги масалалар қўйилсин:

а/ Ҳар бир ишчи гуруҳи халқаро нормалардан келиб чиққан ҳолда ўз фаолият соҳасида ислоҳотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш бўйича белгиланган вазифаларнинг амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини танқидий жиҳатдан таҳлил этсин ва уларга ўзгаришлар киритиш мақсадида таклифлар тайёрласин.

Шу билан бирга биринчи навбатда қабул қилиниши лозим бўлган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар рўйхатини тайёрласин.

Қабул қилинган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни амалга оширишнинг таъсирчан назоратини таъминлайдиган механизмларни такомиллаштиришга оид таклифлар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилсин.

б/ Ҳар бир ишчи гуруҳи зиммасига биркитилган соҳа ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни инобатга олган ҳолда, яъни, сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт соҳасида, маънавият, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш соҳасида демократик жараёнларни янада ривожлантириш мақсадида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш бўйича таклифлар ва амалий чора-тадбирлар мажмуини тайёрласин.

4. Ишчи гуруҳларига икки ой муддатда тадбирлар дастурини Республика Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 10 февраль

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШнинг "Ньюмонт майнинг" компанияси директорлар кенгаши раиси ҳамда бош ижрочи директори Рональд Кэмбри раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия машинасозлик корхоналари Иттифоқи делегацияси иштирокида симпозиум бўлиб ўтди.

● Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз" маърузасида ўртага қўйилган вазифалар асосида "Миллий мафкура концепциясини шакллантириш" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида ҳамда Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маърузаларида Ўзбекистон банк тизими олдига катта вазифалар қўйилиб, унинг кейинги йўналишлари белгилаб берилган эди. Марказий банк ана шу вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун махсус ишчи гуруҳи ташкил этди.

● Иқтисодиёт бўйича Тошкентда ўтаётган халқаро ҳафталик семинарда олти мамлакат олий ўқув юртларининг 60 ўқитувчиси қатнашмоқда.

● Юнусобод туманининг Ҳасанбой мавзесидаги 313-мактабда "Экстремистларга ва ваҳҳобийликка қарши курашни кучайтирайлик" мавзусида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Республика Марказий банкида "Маънавият – кун тартибида" мавзуида конференция бўлиб ўтди.

● Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт институтининг вилоят клиник шифохонаси Германиянинг жаҳонга машҳур "Сименс" фирмасининг замонавий рентген мажмуига эга бўлди.

● Бухоро вилоятида қўшма корхоналар сони яна иккитага кўпайди. "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамиятига қарашли йигирув фабрикаси негизида "Қоракўлтекс" (Ўзбекистон – Америка" ва Вобкент туманидаги йигирув фабрикаси негизида "Микатекс" (Ўзбекистон – Россия) қўшма корхоналари тузиладиган бўлди.

ЖАҲОНДА

● Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги элчихонасида Европа Парламенти депутатлари иштирокида давра суҳбати бўлди. Унда Европарламентнинг янги таркиби аъзолари, шу жумладан Ўзбекистон билан алоқалар бўйича ҳайъат аъзолари иштирок этди.

● **Кеча** Япония бош вазири К. Обути ташриф билан Камбоджага жунаб кетди.

● **Кеча** Лондоннинг "Стэнстед" аэропортида тўрт кундан бери тутқунликда сақланаётган Афғонистоннинг "Боинг-727" самолёти қароқчилари муаммоси ниҳоят ҳал этилди. Ҳаво кемаси бортида бўлган барча 150 киши самолётни тарк этишди. Ҳозир Британия полицияси жиноятчилар шахсини аниқламоқда. Суриштирув натижасида қароқчилик сони олдин хабар қилинганидек 6–8 киши эмас, балки 19 киши деб тахмин қилинмоқда. Бу шундан дарак берадики, самолётдаги йўловчиларнинг кўпчилиги қароқчиларнинг қариндош-уруғлари бўлиб, уларнинг "Боинг"ни қўлга олишдан мақсади толиблар тузимидан безиб, Афғонистондан қочиб кетишдан иборат бўлгандек кўринади. Бу тахмин самолётдаги 60 йўловчини Буюк Британия ҳукуматидан бошпана сўраганлиги билан ҳам изоҳланмоқда. Бироқ, Англия ташқи ишлар вазири Д. Стро парламент йиғилишида сўзга чиқиб, йўловчиларнинг барчасини Ватанига жўнатиб юбориш керак, деган қатъий талабни ўртага қўйди.

● Аҳолини рўйхатга олиш юзасидан берилган тахминий маълумотларга кўра, Тожикистонда уруш бўлишига қарамай, 1989 йилдан бери республика аҳолиси сони 1 миллион кишига ошган. Расмий ҳукумат буни туғилишнинг юқори даражада эканлиги билан изоҳламоқда.

● Австралияда "қор одам" пайдо бўлди. Ҳатто уни ушлаган кишига 10 минг доллар ваъда қилинди. Маҳаллий аҳоли "қор одам"ни Гаянда шаҳарчаси яқинида дарё бўйида кўрган эмиш.

● Мексикадаги йирик олий ўқув юртида 9,5 ойдан буён давом этаётган иш ташлаш ниҳоясига етди.

● Грознийни назоратга олиш борасидаги ҳарбий операция муваффақиятли якунланди. Интернет хабарларига қараганда, Россия қўшинлари бир нечта қишлоқларни ҳамда Грознийни террорчилардан озод қилган. Айни кунларда террорчилар Веденск, Итум-Калинск ва Шатой ҳудудларида жангларни давом эттирмоқда. Улар Веденск ва Аргун дараларидаги аҳоли пунктларини эгаллаб турибдилар. Ҳозирда Верхотой тоғли қишлоғида қақшатқич жанглар кетмоқда.

● **Бугун** Хабаровскда турар-жой биноси портлаши туфайли қурбон бўлганлар хотираси куни деб эълон қилинди. Ҳозирги ҳисобларга қараганда, ҳалок бўлганлар сони 13 кишига етди. Қутқарув ишлари давом этмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Анъанавий Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов "Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" қарор қабул қилди.

Унга мувофиқ Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаҳар ташкилий қўмитаси, ишчи гуруҳи таркиблари ҳамда шаҳар миқёсида ўтказиладиган байрам тадбирлари режаси тасдиқланди.

Туман ҳокимликлари, Маданият ишлари бош бошқармаси, Шаҳар оммавий тадбирлар ўтказиш дирекцияси, Ички ишлар бош бошқармаси, Ободонлаштириш бош бошқармаси, "Тошшаҳарнур" корхонаси, "Шарқ шабодаси" очиқ турдаги акциядорлик жамияти зиммасига шаҳарда ҳамда туманларда ўтадиган тадбирлар учун сарф-харажатлар сметасини ташкилий қўмитага тақдим этиш вазифаси топширилди.

Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти зиммасига Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрами қатнашчилари учун сумалак тайёрланишини таъминлаш, шунингдек, байрам тадбирлари ўтадиган майдонлар, хиёбонлар, туман марказларини халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат ва мевасабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи ярмаркалар, савдо, умумий овқатланиш шохобчаларини ташкил этиш топширилди.

Шаҳар Молия бош бошқармаси зиммасига ушбу мақсадлар учун тақдим этилган сарф-харажатлар сметасига асосан хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобидан маблағ ажратилишини таъминлаш юклатилди, шунингдек, байрам тадбирларини ўтказиш учун тақдим этилган сарф-харажатлар сметасига биноан тегишли маблағларни республика ва шаҳар бюджети ҳисобидан тенг улушда қопланишини назарда тутиши кўрсатилди.

Туман ҳокимликлари, бош бошқармалар, барча корхона ва ташкилотлар, жамоат ташкилотлари зиммасига кенг қамровли байрам тадбирларини ўтказиш юклатилди. Байрам муносабати билан "Маҳалла", "Наврўз", "Соғлом авлод учун", "Болалар" ва бошқа хайрия жамғармаларининг Тошкент шаҳар бўлимлари ўзларининг ҳамда ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан ёлғиз қариялар, ногиронлар, етимлар, бева-бечоралар, боқувчиси бўлмаган оилаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш ҳақидаги таклифлари маъқулланди.

Ободонлаштириш бош бошқармаси зиммасига Наврўз байрами олдидан шаҳарда санитария-тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилишини таъминлаш, бу ойликка барча жамоалар ва аҳолини кенг жалб этиш юклатилди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси зиммасига байрам кунлари жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини кўриш топширилди.

"Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталари ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг "Тошкент" студиялари зиммасига байрам тадбирларини кенг ёритиш топширилди.

* * *

Кеча

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров олиб борган ушбу мажлисда анъанавий Наврўз байрамини бу йил ҳар қачонгидан ҳам мазмундор ва одамларнинг эсида бир умрга қоладиган тарзда ўтказиш, туман ҳокимликлари, бош бошқармалар, барча корхона ва ташкилотлар, жамоат ташкилотлари зиммасига юклатилган кенг қамровли байрам тадбирларини намунали ўтказиш юзасидан аниқ таклифлар, қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Қарияларга, ногиронларга, ёлғиз кексаларга меҳр-мурувватимизни аямаслик борасида Юртбошимиз алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар.

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси Ахборот-таҳлил гуруҳининг раҳбари шаҳар ҳокими ўринбосари Раҳимжон Розмуҳамедов раислигида бўлиб ўтган мажлис кун тартибига "2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, нафақахўрлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури"ни бажариш тўғрисидаги масала қўйилган эди. Бу масала юзасидан Тошкент шаҳар ижтимоий-таъминот бошқармаси бошлиғи Бадриддин Камолов ва Раҳимжон Розмуҳамедовлар сўзга чиқишди.

Кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Унга биноан шаҳар ижтимоий-таъминот бошқармаси, туман ҳокимликлари, ҳудудий-коммунал бирлашмаси, савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти зиммасига тегишли вазифалар юклатилди.

***

Мажлисдан сўнг Тошкент шаҳар ижтимоий-таъминот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Саида Мусажонова билан суҳбатда бўлдик.

— Дастурда белгиланган режага кўра ижтимоий-таъминот ходимлари ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорликда жойларда истиқомат қилаётган қарияларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиб чиқиб, уларнинг умрлари яхши, фаровон турмуш кечиришларига кўмаклашишимиз лозим. Бу ишда бизларга шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти, Қизил Ярим Ой жамияти, шаҳар ҳудудий-коммунал бирлашмаси ва бошқа ҳимматли ташкилотлар ва мурувватли инсонлар ёрдам бериш истагидалар. Зеро, ҳозирги кунда пойтахтимизда 1279 нафар ёлғиз нафақахўр, 3000 атрофида қариялар мавжуд.

Айни вақтда энг асосий иккита вазифани бажаришга киришдик. Улардан бири ёлғиз қарияларни аниқ рўйхатдан ўтказиб, нимага муҳтожлиги, уй-жойининг аҳволи ва таъминоти билан шуғулланишдан иборат. Иккинчи вазифамиз маҳалла гузарлари қошида жамоат марказини ташкил этиш. Бу жамоат марказида қариялар тиббий муолажа, овқатланиш, маданий ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўладилар. Хуллас, савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, деган доно ибора бизнинг кундалик шиоримиз бўлиб қолади.

ЯКУНЛАР ЧИҚАРИЛДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент шаҳар хўжалик судида мазкур суднинг 1999 йилдаги иш фаолияти якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда 2000 йилда одил судловни амалга оширишдаги вазифалари тўғрисидаги масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар хўжалик судининг раиси Ф. Отахонов маъруза қилди. У шаҳар хўжалик суди томонидан ўтган йили амалга оширилган ишлар ҳамда 2000 йилда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судловни амалга ошириш борасидаги вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Маърузадан сўнг Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Миржалилов, Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари О. Холматов, Тошкент шаҳар Давлат солиқ Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари З. Отахонов, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий-ночор корхоналар ишлари қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи А. Раҳматов, республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали директори М. Қодиров ва бошқалар сўзга чиқишиб, иқтисодиёт соҳасида юзага келаётган низоларнинг ҳал этилиши, суд қарорларининг ижро этилиши бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, йил якунига бағишланган мазкур йиғилишда шаҳримизнинг суд, адлия, ички ишлар идораларидан, Марказий банк ва бошқа банк муассасаларидан вакиллар иштирок этишиб, ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш ҳақида фикрлашиб олишди.

(Ўз мухбиримиз.)

Ҳушёрликка даъват

"МИНГЎРИК"ЛИКЛАР КЕНГАШДИ

Тошкент шаҳар фаолларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида муҳокама қилинган долзарб масала — ҳушёрлик давр талаби эканлиги ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар, ўртага ташланган таклифлар пойтахт аҳолисини бефарқ қолдирмади.

Мазкур йиғилиш руҳи, унда кўтарилган масалаларга доир фикр-мулоҳазалар, таҳлиллар шаҳардаги кўпгина маҳаллаларда акс садо бермоқда, кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Чунки халқаро террорчилик билан боғланган баъзи диний экстремизм ва ақидапарастларнинг қилмишлари, хатти-ҳаракатлари халқ оммаси томонидан қаттиқ қораланиб, бундай гуруҳлар, уларнинг тузоғига илиниб қолаётган ёшларнинг ҳаракатларидан доим огоҳ бўлиш, ҳушёрликни ошириш, вазиятни тўғри баҳолаш ҳозирги энг долзарб масалалардан эканлиги ҳаммага аён.

Юнусобод туманидаги "Мингўрик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳам ушбу масалани ўз ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли муҳокамасига ҳавола этди. Яқинда фуқаролар йиғини маслаҳатчилари, оқсоқоллар, ўқитувчи ва ўқувчилар маҳаллада яшовчи турли касбга мансуб ишчи ва хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва туман ҳокимлигининг масъул ходимлари маҳаллада жойлашган 105-мактаб клубига тўпландилар. Йиғилишда шаҳар фаоллари йиғилишида муҳокама қилинган масалалар асосий мавзу қилиб белгиланди. Туман прокуратураси, ички ишлар бўлими масъул ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари, кексалар, ўқитувчилар ва бошқа фаоллар ўз чиқишларида ваҳҳобийчилик ва ҳизбут-таҳрир оқимларига мансуб бўлган ақидапарастларнинг кирдикорларини аёвсиз фош этиш, уларнинг таъсирига берилиб, тасодифан хатарли йўлга тушиб қолаётган айрим адашган ёшларни асраб қолиш, тўғри йўлга солиш лозимлиги ҳақида сўзладилар. Лекин шу билан бирга номигагина тавба-тазарру қилиб, аслида яна шундай оқимлар таъсирига берилаётган беқарор ёшларга нисбатан кескин чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Бу йиғилиш шунчаки расмий бир тадбир бўлмай, балки кўпчиликнинг ошкора фикр алмашиши, юзма-юз мулоқоти, аниқ таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланганлиги билан илгаригилардан кескин фарқ қилганлигини алоҳида эслатиб ўтмоқчимиз. Масалан, кўпчилик участка нозирлари ва маҳалла посбонларининг ёшларга таъсирчанлигини ошириш, юз бериши мумкин бўлган кутилмаган салбий иллатларнинг олдини олишга ҳали етарли эътибор берилмаётгани, маҳалла ҳудудида вақтинча яшаш учун келаётганларнинг шахсини аниқлаш, уларнинг нималар билан шуғулланаётганликларига бефарқ қарамаслик, ҳусусан балоғат ёшига етмаган ўсмирлар турмуш тарзини синчиклаб ўрганиш ғоятда муҳимлиги алоҳида уқтирилди, ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилаётган айрим воқеаларга, маънавий-ахлоқий жиҳатларга лоқайд бўлмаслик, ҳушёрлик, изчиллик ва ҳужумкорликка даъват қилинди, тунлари шубҳали ташрифларга йўл қўяётган баъзи хонадонлар шу ернинг ўзида очиқ айтилиб, алоҳида ҳисобга, назоратга олинди.

Йиғилиш қатнашчилари бундай ошкора мулоқотлар онда-сонда эмас, балки мунтазам тус олиши, маҳаллада тинчлик-осойишталик ва маънавий-маърифий ишлар савиясини муттасил ошириш лозимлигини изҳор этдилар.

Шерзод НАСИМОВ.



Шаҳримиз ҳудудида қад ростлаган бир нечта йирик кўприкларнинг сони бу йил яна биттага кўпаяди. Бизга маълум бўлган Халқлар Дўстлиги кўчаси билан Ҳадра майдонини, Фарғона йўли билан Тошкент айланма йўлини, Аҳмад Дониш кўчаси билан Амир Темур кўчаларининг туташ жойларидаги кўприклар бугунги кунда транспортларнинг тирбанд бўлишига барҳам бераётир.

Қурилиш

ЯНА БИР ЗАМОНАВИЙ КЎПРИК

Йўлларни кенгайтириш, маълум жойларда транспорт ер ости йўлларини бунёд этиш яна давом этмоқда. Айни вақтда қурилиш ишлари Юнусобод ва Собир Раҳимов туманидаги Аҳмад Дониш билан Ҳусниддин Асомов кўчаларининг кесишган жойида давом этмоқда. Бу кўприк Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик шодиёнаси арафасида фойдаланишга топширилади.

— Кўприкнинг узунлиги 1200 метр, кенглиги 15 метр бўлиб, бунёдкорлик ишларида 20 дан зиёд ёрдамчи пудратчилар меҳнат қилмоқда, — дейди ободонлаштириш Бош бошқармасининг бош муҳандиси Виктор Приходко. — Бош пудратчилар «Тошметроқурилиш» ҳамда 7-«Кўприкқурилиш» трестига қарашли 13-кўприк қуриш отрядидир. Улар ишни дастлабки кундан уюшқоқлик билан бошлашди. Кўприкни Тошкент Бош режа асосида лойиҳалаштириш илмий текшириш институти меъмори В. Михайлян раҳбарлигидаги меъморлар яратишган. Ишончимиз комилки, бу кўприк ҳам шаҳримиздаги транспорт қатнови мувозанатини сақлаб, ҳайдовчиларга қулайлик туғдиради.

Гули АБДУЛЛАЕВА.
СУРАТЛАРДА: кўприк қурилиши жараёнидан лавҳалар.
Сергей Любчич ва Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

Шаҳримиздаги 2-автосаройга қарашли 60-йўналиш бўйича меҳнат қилаётган ҳайдовчилар ўз зиммасига олган режаларини ортиғи билан адо этишмоқда. Айниқса бригада бошлиғи ёрдамчиси, 15 йилдан бери ўз касбини шарафлаб келаётган Давлат Ҳайитметов ўтган ой режасини 105 фоизга бажариб ибрат кўрсатди.

Транспорт

ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

— Устозим Эргаш ака Азаматовдан ҳайдовчилик касбининг сирларини ўрганиб иш бошладим, — дейди Давлатжон. — Шу касбим туфайли тенгдошларим орасида эътиборга сазовор бўлдим. Шу билан бирга бир нечта шогирд тайёрлашга ҳам эришдим. Муҳитдин Бобожонов, Иззат Абдурасулов, Шуҳрат Рихсиевлар шулар жумласидандир. Биз билан Ирина Пелаева чиптa сотувчилик вазифасини бажаради. Шеригим Мустафин Ким ҳам режани доимо бажаришга ҳаракат қилади.

Моҳир ҳайдовчилар 69—55 ТНА «Мерседес-Бенц» автобуси билан бир сменада 22 рейс қатнашади. Бу 305 километрлик йўл демакдир.

Тўйчи ТОЛИПОВ.

Янги рукн: «Навоийни ўрганамиз»

СЎНМАС ШУҲРАТ



Буюк аллома, улуғ мутафаккир Алишер Навоийни ҳақли равишда ғазал мулкининг султони дейди халқимиз. Унинг шеърлари, ғазал ва рубоийлари теран мазмундорлиги, равон ва таъсирчанлиги, бадиий сербўёқлиги ва сержилолиги, кўп маънолилиги билан эътиборга лойиқдир.

Зуллисонайн (икки тил эгаси бўлган) шоир 3 мингга яқин баркамол ғазаллар яратди. Улуғ аллома шеъриятида инсоний муҳаббат, мажозий ишқ ҳам жуда катта ўрин тутади. Ўзбекларнинг ва барча туркий тилли халқларнинг ифтихори бўлган буюк шоир Алишер Навоий (Фоний) жуда бой, ранг-баранг адабий мерос қолдирди. У қайси тур ё жанрда қайси мавзуда қалам тебратмасин, барча асарларида инсоннинг бахт-саодати учун кураш ғоясини қуйлади. Навоий асарларидаги пок муҳаббат, вафо, садоқат, дўстлик, саховат, адолат, инсоф, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик — ҳамма-ҳаммаси шу бош ғояга — одамийлик, инсонпарварлик ғоясига келиб туташади.

Алишер Навоий ўз ижоди билан жаҳон халқлари орасида сўнмас ва абадий шон-шуҳрат қозонган буюк сиймолардан. У жуда зиддиятли давр, оғир шароит ва муҳитда яшаб, ғоят машаққатли ижод йўлини босиб ўтди.

Аллома ғазалларида ҳақиқий инсонга хос бўлган фазилатлар — сахийлик, меҳрибонлик, вафодорлик, мулойимлик, ростгўйлик, илмсеварлик, камтарлик ва ҳоказолар мадҳ этилади. Айни замонда инсониятнинг қусури саналган инсонийликка зид бўлган иллатлар — такаббурлик, ялқовлик, бахиллик, очкўзлик, разиллик, лаганбардорлик, ҳасадгўйлик, хиёнаткорлик ва бошқалардан қаттиқ нафратланади.

Алишер Навоий ғазалларидан бирида:

«Менга юз жафо юзланса, бир марта афғон қиламан,
лекин элга бир марта зулм ўтказилса, юз марта фарёд чекаман», деб ёзади. Шоирнинг лирик қаҳрамони вафодор, садоқатли шахс бўлса-да, лекин унинг излаган севимли ёр ва бахтли турмуш унга насиб бўлмайди. Бу ўринда шоир хаёлидаги эркин, бахтли турмушга ташналик туйғуси билан, реал борлиқ — бевафо, кажрафтор замони ва замон аҳли ўртасидаги зиддият очила боради. Лирик қаҳрамон давр жабру ситамларидан, вафосизликларидан оҳ чекади, ундан қутулиш йўлини излайди. Ошиқ руҳий драмаси орқали давр аҳлининг, оддий инсоннинг қалб изтироблари тараннум этилади.

Қон ютиб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим.
Лекин у камроқ топилди, гарчи бисёр истадим...
Билмадим, олам элида йўқтурур мутлоқ вафо,
Ваҳки, умре улча йўқтур соғиниб бор истадим.

Вафодор ёр истаб шоир чеккан азоб-уқубатлар, тортган дард-аламларнинг давоси топилмайди. Бу бежиз бўлмай, шоир яшаб ижод этган тузум шароитида соф инсоний туйғулар оёқ ости қилинган, меҳнат аҳли тубанликда, хор-зорликда яшар эди. Ўша замонда ҳамма нарса, шунингдек, ишқ-вафо ҳам зар эвазига сотилар эди. Лирик қаҳрамоннинг вафосиз ёр — замонадан нолиши чуқур заминга эгадир, унинг асосида халқ дарди ифодаси ётади.

Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлгондек хазон фасли гулу гулзорсиз.
Жаҳонким зоҳир айлар лолаю боғ,
Эрур ул боғ зиндон, лоласи доғ.

Шоирдаги бу мунгли, хазин оҳанг, ўз кучини билувчи буюк қалбнинг хазинлигидир. Бу хазинлик, ғамгинлик ўткинчи, вақтинчалиқдир. Унда ҳаётга муҳаббат, ўз халқига муҳаббат кучли. Ана шунинг учун ҳам Алишер Навоий улуғ, уни халқ абадий севади, хотирлайди.

Алишер Навоий буюк шоиргина эмас, балки том маънодаги инсон, ўз халқини эҳтирос билан севувчи халқпарвар, инсонпарвар эди. У ҳукмдорларни давлатни бошқаришда адолатпеша бўлишликка даъват этувчи, халқ осойишталигини барқарор қилиш учун энг аввало сиёсий ихтилофлар, ўзаро низолар олдини олиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаб мактублар йўллаган. Алишер Навоий наздида мамлакатни идора этишда улус манфаати йўлида катта масалалардан тортиб то майдаларигача ғоят аҳамиятли бўлган. У жуда кўп хайрли ишларга ҳисса қўшиб, кўплаб бинолар, мактаблар ва бошқаларни бунёд этишда бош-қош бўлди. 16 та кўприк, 20 та ҳовуз, 9 та ҳаммом, ҳашар йўли билан Алишер Навоий бошчилигида 70—80 километр узунликдаги канал қазилган.

Шоирнинг «Вақфия» номли асарида инсонпарварлик ғояси қуйидагича тараннум этилган:

То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Алишер Навоий ижоди биз учун туганмас қимматли, бой хазинадир.

Президентимиз яқинда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида улуғ аллома ижодига юксак баҳо бериб, ёшларимизга унинг ибратли дурдона асарларини кўпроқ танитиш, ўргатиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, Навоий фақат даҳо мутафаккир ва буюк шоиргина эмас, балки том маънодаги инсон, ўз халқини эҳтирос билан севувчи сиймо ҳам эди. Бундай сиймоларнинг умри боқий бўлади.

Санталат ТУРСУНОВА,
Дилором ИКРОМОВА.

Алишер НАВОИЙ

ҒАЗАЛЛАР

Оҳким ул ошно бегона бўлди оқибат,
Ҳажридин бехудлуғум афсона бўлди оқибат.

Ақлу дониш лофини урғон кўнгул йиғлай юруй,
Ул пириваш ҳажрида девона бўлди оқибат.

Қатра-қатра шодлиғ ашкинки сочтим вослида,
Барча ҳижрон қушларига дона бўлди оқибат.

Борғоли ул ҳусн ганжи ғам бузуғ кўнглумдадур,
Аждаҳо уйи бизинг вайрона бўлди оқибат.

Соқиё, май тутки, ҳажр андуҳидин мен телбани
Фориғ этган соғару паймона бўлди оқибат.

Чекма ун оҳим кўр, эй Мажнунки, Лайли кўп фиғон
Чекти, ўртанган вале парвона бўлди оқибат.

Бутқа гар бош қўймадим кўргилки диним туҳфаси,
Дайр пири оллида журмона бўлди оқибат.

Дединг аввалким Навоий, сени гаҳ-гаҳ тирғузай,
Ҳеч билмонким санга, жоно, на бўлди оқибат.

* * *

Эй, латофат касбида ҳуснингга ҳожатманд гул,
Юз гулистон ичра йўқ юзунгга бир монанд гул.

Хилъати хазро била ул қомату рухсор эрур
Рост бир сарвеки, қилғайлар анга пайванд гул.

Юзу ғамзангдин мужамдин қон ёш ар зояндадур,
Йўқ ажаб, чун бор тиканга доимо фарзанд гул.

Жолалар эрмас гули садбарг узаким, айламиш
Жисмини тишлар била ҳажрингда юз парканд гул.

Қайси важҳ ила юзунга даъви этгай, чун эрур,
Ганжи ҳуснингдин муҳаққар важҳ ила хурсанд гул.

Сарвсен, эй гулъузор, ар бўлса хушрафтор сарв,
Гулсен, эй сарви равон, гар қилса шаккарханд гул.

Эй Навоий, гар сўзунгни ёр эшитмас, айб эмас,
Турғони бирла қулоқдур, лек эшитмас панд гул.

Бутун дунё бўйлаб экологик муаммолар ҳозир биринчи ўринга чиқмоқда. Уларни ҳал этиш учун кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам Орол денгизи, чиқиндиларни қайта ишлаш, тоза сув таъминоти, табиат муҳофазасига оқилона ёндашувни шакллантириш каби бир қатор муаммолар мавжуд.

Анжуманлар

МУҲИМ МАВЗУДА

Республика миллий матбуот марказида «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлиги муаммоларини ҳал этишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусида ўтказилган анжуманда ҳам ана шулар ҳақида сўз борди. «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди, Ўзтелерадиокомпания, Ўзбекистон миллий матбуот маркази, «ЭКОСАН» нинг Тошкент клуби ташаббуси билан ўтказилган ушбу давра суҳбатида Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва хорижий давлатларнинг ахборот агентликларининг вакиллари иштирок этишди.

«ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг президенти Юсуфжон Шодиметов тадбирни очар экан, юртимизда Соғлом авлод йилига бағишлаб «ЭКОСАН» жамғармасининг «Соғлом муҳит — соғлом авлод асоси» дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида қилинаётган ишлар, юртимиздаги мавжуд экологик муаммолар тўғрисида тўхталиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлида қилинаётган ишлар ва бозор муносабатлари, сиёсий барқарорлик ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнларига ўтилиши, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлининг танланиши экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим омиллар бўлишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон миллий матбуот маркази раиси А. Каримов, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат санитария-эпидемиология назорати департаменти раҳбари Н. Отабоев, «Ўзбат» қўшма корхонаси вакили Беккулбеков, канадалик олим Р. Фергюссонлар ҳам маърузаларида барқарор санитария-эпидемиология ҳолати республика тараққиётини таъминлаш омили эканлиги, халқаро ташкилотлар ва «ЭКОСАН» жамғармасининг ҳамкорлик алоқалари, чиқиндилар муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари, экология маданиятини ҳар бир уй, ҳар бир оилада шакллантириш лозимлигини айтиб ўтдилар.

Давра суҳбати давомида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бинобарин, аҳоли саломатлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ниҳоятда катта эканлиги таъкидланди. Шунингдек, «ЭКОСАН» жамғармаси, Ўзтелерадиокомпания, Давлат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш жамғармаси томонидан ташкил этилаётган экология мавзусидаги энг яхши журналистлик ишлари Республика танловининг Низоми ҳам муҳокама қилинди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги 2114-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори туман назорат органлари томонидан ижро этилишини ўрганиб, бу борадаги муаммоларни биргаликда бартараф этиш мақсадида Миробод тумани Назорат инспекцияси томонидан «Президент Фармонлари — амалда» мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди.

• Фармон ва ижро
• Шаҳрим — фахрим
• Манзиллар яқин

1999 йил давомида Назорат инспекцияси томонидан тумандаги текширувчи (назорат) органларида юқорида кўрсатиб ўтилган Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижроси ўрганилганда бир қатор хато ва камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан, туман Нафақа жамғармаси бўлимида текширувга қўйиладиган шахсларга махсус гувоҳнома ишлаб чиқилмаган. Туман СЭСи томонидан туман мувофиқлашти–рувчи комиссиясига иш режалари ўз вақтида тақдим этилмаган, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижроси юзасидан юритилган назорат карточкалари тўлиқ тўлдирилмаган.

Назорат

МУҲОКАМАДА – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Унда туман Назорат инспекцияси, туман ёнғиндан сақлаш бирикмаси, туман санитария-эпидемиология станцияси, меҳнат биржаси, Нафақа жамғармаси бўлими, туман Давлат солиқ инспекцияси вакиллари, туманда жойлашган 10 та банк раҳбарлари ва текширишларни мувофиқлаштириш ишларига бириктирилган ходимлар иштирок этди.

Дастлаб туман Назорат инспекцияси бош мутахассиси М. Мажидов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги 2114-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил этишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ҳозирги кунда назорат органларининг олдида турган энг долзарб масала — текширувларни мувофиқлаштириш ва уларни тўғри ташкил этиш муаммосини ҳал этишда асосий манба бўлиб келаётганлигини алоҳида таъкидлади. Шуни айтиш керакки, ушбу Фармон ва унинг ижроси юзасидан қабул қилинган республика Ҳукуматининг 469-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни талабларини бажариш юзасидан туманда бир қатор ишлар олиб борилган. Жумладан, Миробод тумани ҳокимининг бу борада махсус қарори қабул қилинган ва ишчи комиссияси таркиби тасдиқланиб, қилинадиган ишлар режаси ишлаб чиқилган, ҳудудий комиссия ишчи органи хона ва керакли техника билан таъминланган, комиссия қошида ишонч телефони ўрнатилган, текширувчи (назорат) органларида текширувга қўйиладиган шахслар тўлиқ аттестациядан ўтказилган. Лекин бундан ташқари текширувчи органлар томонидан текширувларни мувофиқлаштиришга бириктирилган шахслар туман комиссиясига иш сифатини оширишга қаратилган ҳеч қандай таклиф билан чиқмаганлар.

Аниқланган ушбу камчиликларни бартараф қилиш туман Назорат инспекцияси томонидан қаттиқ назоратга олиниб, уларни тўлиқ тугатишга эришилди.

Туман Давлат солиқ инспекцияси ходими П. Юсупов, туман Халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Ж. Тожиев, КОРТФ «Миробод савдо» бўлим бошлиғи Ф. Нурмуҳамедовалар ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалари, мисоллари орқали Президент Фармонининг аоссий мазмуни, яъни текширишларда параллелчилик ва такрорлаш фактларини бартараф қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувларга йўл қўймаслик, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эришилмоқда, деган хулосага келишди.

Семинар-кенгаш давомида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган масалаларда саволлар бериб, уларни муҳокама қилиб, ўзаро фикр алмашдилар ва Фармон ижроси сифатини ошириш юзасидан ўринли таклифлар киритдилар. Тадбир сўнгида ушбу йиғилиш жуда маҳсулдор ўтганлиги ва кўпчилик ўзини қизиқтирган саволларга жавоб топганлиги таъкидланиб, шу йилнинг иккинчи ярмида ҳам шу каби семинар йиғилиш ўтказишга келишиб олинди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

Ибратнома

ҲИНД ҲИКМАТЛАРИ

• Ақлли одамлар яхши хабар келтирадилар, аҳмоқлар эса, аксинча, ёмон хабар билан келадилар.

• Инсон ҳар нарсадан кўпроқ ўз тили туфайли балога йўлиқади.

• Кўп гапириш ақлнинг озлигидан, ёлғон сўзлаш ироданинг заифлигидан, овознинг баландлиги ичида ҳеч нарса йўқлигидан далолат беради.

• Фикри бузуқ одам ҳеч қачон ростгўй бўлмайди.

• Душманга мухлат берилса, унинг қудрати ортади, вақт берилса куч йиғади.

• Истеъдодсиз одамлар ҳунар эгаларини ерга уриб, уларни гуноҳкор қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

• Ҳасад шундай ўтки — хўли қуруқ каби ёнади.

• Асл бойлик — кўзи тўқлик ва қаноатдир.

• Ҳаёни қўлдан берган одам кек сақлайдиган ва сўқонғич бўлади.

• Шижоатли ва кучли ботирлар — урушда, хотин ва фарзандлар — камбағалликда, дўст ва биродарлар бошга оғир кулфат тушганда танилади.

• Ақл эгалари ҳамиша ўз ишларини замонанинг тақозоси, ҳаёт талабини ҳисобга олиб қиладилар.

• Ҳар ким алам ва ситам дарахтини экса, уқубат ва азоб мевасини териб олади.

• Тинчлик билан кечирилган қисқа умр қўрқув ва ташвиш билан кечирилган узоқ умрдан яхши.

• Ишни — истаганга эмас, билганга топшириш керак.

• Ақл барча эзгу ишларнинг асоси, саодат дарвозаларининг калитидир.

• Инсон феъл-атворига кўра тўрт тоифага бўлинади. 1. Сўзининг устидан чиқувчи — яхшилик қилувчилардир. 2. Ваъда бермаса ҳам қўлидан келганича ёрдам берувчи — жувонмардлардир. 3. Ваъда берувчи, аммо сўзининг устидан чиқмовчи — мунофиқ ва бахиллардир. 4. Ваъда бермайдиган ва ёрдамини аямайдиган ҳиммати пастлардир.

• Оқил киши меҳру оқибатли, ростгўй, донога дўст бўлади, ёлғончи хиёнаткор ва фосиқдан қочади.

• Кимки ўз нафини бировнинг зиёнида кўрса, заҳмат чекмай илм олишни истаса, ёру биродарларига бевафолик ва беандишалик қилса — аҳмоқдир.

Тўпловчи
Фахриддин НУРИДДИНОВ,
халқ маорифи аълочиси.

Пойтахтимиздаги замонавий, осмонўпар бинолар.

Ота-оналар бурчаги

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Ҳар бир оилада фарзанднинг дунёга келиши ота-она учун олам-олам бахт, қувонч бахш этишини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Лекин халқимизда "Бола — азиз, одоби — ундан азиз" деган мақол бор.

Ҳа, фарзандни дунёга келтириш билан ота-она олдида ундан ҳам масъулиятлироқ вазифа кўндаланг бўлади. Яъни, уни яхши инсон қилиб — ота-она учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали, эзгуликка хизмат қилувчи киши этиб тарбиялаш жуда мураккаб ва муҳим ишдир. Бунинг уддасидан чиқиш ҳар биримиздан катта сабр-қаноат, матонат билан биргаликда тажриба ва маҳорат, ўзига хос педагогик талантни ҳам талаб қилади.

Фарзанд тарбиясида кечикмаслик, иложи борича бу ишни у дунёга келган кундан бошлаш кераклиги ҳақида ҳам кўп эшитганмиз. Хўш, шундай экан, тарбияни нимадан бошлаш керагу нималарга эътибор қилиш лозим? Бугунги мақоламизда биз шу ҳақда умумий фикрларни ўртага ташлаб, кейинчалик бола тарбиясининг муҳим жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари, шакл ва услублари ҳақида ҳикоя қилиб беришга аҳд қилдик. "Ота-оналар бурчаги" рукни остидаги турли мақолаларимизни ўқиб борар экансиз, ўзингизда туғиладиган саволлар билан мурожаат қилишингиз, ўз тажрибаларингизни ўртоқлашишингиз ёки баъзи маслаҳатларни сўрашингиз мумкин. Ана шу ўзаро мулоқотларимиз ҳам фарзанд тарбиясининг самаралилигини оширишга муайян ҳисса бўлиб қўшилади.

Энг яхши орзу-умидларини ўз фарзандининг ёрқин келажаги билан боғламайдиган ота-онани топиш қийин. Ҳаммамиз ҳам нуридийдамиз яхши инсон бўлиб вояга етиб, оғиримизни енгил қилишини, қариб кучдан қолганимизда иззат-ҳурматимизни жойига қўйишини ва айни пайтда эл-юрт олдида ўзининг обрў-эътибори билан бизга раҳматлар келтиришини орзу қилиб яшаймиз. Бунда эса ўзимизнинг йиллар давомида фарзанд тарбияси соҳасида қилган меҳнатимиз, мурғак гўдак қалбига эзгулик уруғини қанчалик чуқур жойлай олишимиз катта аҳамиятга эга.

"Арпа эккан — арпа, буғдой эккан — буғдой ўради" дейди доно халқимиз. Биз эккан эзгулик уруғи эса узоқ йиллар сабр-тоқат билан уни парвариш этишни талаб қилади. Ҳар бир гўдакнинг ўзи бир олам. Ҳар бир болага алоҳида ва фақат ўзигагина хос тарбия усули, ёндошув керак бўлади. Зеро, ҳар бир ёш гўдакнинг фақат ўзигагина хос феъл-атвори, дунёни қабул қилиш хусусияти, қувончу ташвишлари бор. Гўдак ўз атрофини ўраб олган оламни, унинг ҳақидаги ахборотларни кўзлари билан кузатиш, қулоқлари билан эшитиш ҳамда қўли билан ушлаб, яъни сезгилари орқали ҳис этиш йўли билан қабул қилар экан.

Чунончи, хорижлик кўпгина олимлар, жумладан, Оклахома университети педагоглари Лорен Брэлвэй ва Барбара Алберс Хил норасида гўдакнинг оламни билиш усули унинг келажакда жамият ҳаётига мослашуви, жисмоний ривожи ва ўқиш-ўрганишдаги муваффақиятларига ҳал қилувчи тарзда таъсир этишини таъкидлашади. Улар, шунингдек, боланинг кўриш, эшитиш ва қўл теккизиб ҳис этиш орқали оламни билиш қобилияти кўпчилик ота-оналар учун янгилик эмаслигини ҳам қайд этишади. Маълум бўлишича, мана шу кўриш, эшитиш ва бевосита ушлаб кўриш орқали билишга интилишда гўдак улардан қай бирини танлаши ота-оналарни кўпроқ таажжублантирар экан.

Гўдакнинг қизиқиш усулларини унинг жуда ёшлигидан кузатиш ва аниқлаш мумкин. Оналар учун бу катта муаммо эмас. Гап гўдакнинг оламни билиш, ўзлаштириш усулини аниқлаш билан бирга унинг шу қизиқишини ҳисобга олган ҳолда тарбия ишларини йўлга қўя билишда. Чунки инсоннинг билиш усули унинг туғма хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам боланинг юқоридаги уч усулдан қай бири орқали атроф оламни кўпроқ ўзлаштиришини аниқлаш ота-онага фарзанд тарбиясини қай тарзда ташкил этишни белгилашида катта ёрдам беради.

Айнан шунга қараб, ота-оналар болалари билан шуғулланишлари, турли ўйинлар ва ўйинчоқларни ҳам шунга қараб танлашлари, гўдакнинг туғма қобилиятларини ривожлантириш билан бирга, унга етишмайдиган хусусиятларни аста-секин сингдириб боришлари мумкин бўлади. Худди шу асосда нутқнинг ривожланишидаги қолоқликка, ўқиш қобилиятини тезлаштиришга, диққатини жамлашдаги қийинчиликларга барҳам беришга, юқоридаги уч билиш усулидан бирортасидаги нуноқликни йўқотишга эришиш мумкин.

Умуман, гўдакнинг, боланинг оламни билишдаги сезги органлари фаолиятида муайян мувозанатга эришишга интилиш фарзанд тарбияси дастлабки босқичи учун катта аҳамиятга эга. Бунга мақсадли ва қатъиятли интилиш бўлса — албатта эришиш мумкин. Бунда боланинг ахборотларни қабул қилишга кўпроқ одатланган аъзоси — қулоғи, кўзлари, қўллари билан бир вақтда унинг бошқа аъзоларининг ҳам қабул қилиш қобилиятини ривожлантириб боришга асосланилади.

Умуман, Сиз фарзандингизнинг оламни билиш усули ҳақида ўйлар экансиз, кўп жиҳатдан унга бўлган муносабатингиз ҳам ўзгаради. Бу эса фарзандингизнинг билиш қобилиятини имкон даражасида юқори кўтаришингизга ёрдам беради.

Аъзамхўжа АКРОМОВ, меҳнат фахрийси.

Турфа олам

АЁЛНИНГ СОЧИ УЗУН...

Эркаклар бош миясининг қариш меъёри аёлларникига нисбатан тезроқ рўй беради. Америкалик тиббиётчиларнинг текширишлари натижасида шундай хулоса чиқардилар.

Детройтлик олимлар магнитли резонанс усули ёрдамида 65-95 ёшдаги 330 нафар соғлом кишиларнинг миясини кузатдилар. Барча текширилаётганлар ақли, диққат-эътибори равшан одамлар бўлишса-да, эркаклар бош миясининг ҳажми аёлларникидан кичик бўлиб чиқди.

Олимлар бош миянинг ҳажмини кичрайиши фикрлаш жараёнига, феъл-атворига таъсир кўрсатадими, йўқми аниқлашганларича йўқ. Шунингдек, тиббиётчилар миянинг миқдор жиҳатидан камайишига нима мажбур қилиши ва аёлларда мия тўқималари нима учун кўпроқ сақланишини ҳам айтиб беришолмади. Аёлларда мия ҳажмининг кичрайиши секин кечишига эстроген гармонининг ажралиши сабаб бўлса керак.

Ана шу гармон мия тўқималарини ҳимоя қилади. Изланиш хулосалари турли одамларда қариш жараёнлари қандай кечиши ва нима учун айримларимиз кекса ёшни анча енгил ўтказишимизни англашимизга ёрдам беради.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

Донишмандлар хазинасидан

ҲОТАМНИНГ ИККИНЧИ САФАРИ

(Давоми. Боши газетанинг 6, 9, 12, 15-сонларида).

Ҳотам салом айлади. Ҳотамга сандал қўйиб бердилар. Ҳотам кўрдиким бир шўҳи замондурки ани баробарида, ҳусни жамол бобида одамизод ёки парилар ичра ҳам топилмағай. Малика Ҳотамға иззат-икромлар бирлан ноз-неъмат, шира-шарбат, ҳадсиз таомлар ҳозир айлади. Баъдаз адойи таом дастурхон йиғилди. Кун кеч бўлди, дарвозалар беркилди, ҳамма ўз жойларига кетдилар. Малика ўрнидин туриб карашмалар бирлан Ҳотамни ўз тахтиға олиб чиқиб ўлтириб маъшуқалиқ айлаб ўлтирди, то ярим кеча бўлди, маликанинг аҳволи бўлакча бўлди, беҳуда сўзларни айтурга турди, оғзига нима келса айтаберди, кўзлари ола-була бўлаберди. Ҳотамға боқиб айдиким, эй номаҳрам, сенга ким йўл берди, ҳаддинг бўлғайму менинг ёнимда ўлтурурсан деб, адабсиз сўзларни кўп айтди. Ҳотам айтдиким мусофирдурман, кеча қўймасдин олиб келмадингму дегач, бир-икки нафас ҳомуш бўлиб, ҳар навъ кулишлар айлаб, дедиким уч масала сўрарман, жавоб беролмасанг дорга осилурсан, тайёр бўл, деди. Ҳотам айдиким ул масала қайсидур? Малика айди аввалги масала улдурки, ул дарё бирлан ул қатра нечукдуркким, жондор нимарсалар андин пайдо бўлур? Ҳотам нафасини ростлаб жавоб бердиким, ул дарё жаъми ҳаётларнинг бошидур, ул қатра шаҳватдуркким, эр киши бирлан заифалар жуфтлиқ сабаби бирлан фарзандлар вужудга келгай, ҳазрат ҳаллоқ оламиён баъзисини эркак ва баъзисини мода қилиб яратур. Иккинчи савол, малика сўрадиким ул мева қайсидуркким, ҳар жонивор ҳаётларга андин лаззатлироқ ва ширинроқ мева бўлмагай? Ҳотам жавоб бердиким ул мева фарзандлардуркким, оламиён аҳлиға андин яхшироқ ва хўброқ нимарса бўлмағай? Учинчи савол; малика сўради, ул таом қайсидуркким, таъми заҳри ҳаллоҳалдур, то емай бўлмағай? Ҳотам бул тариқа жавоб бердиким, ул таом ўлимдур ҳар бир жонзод андин насиба олмай бўлмас, ани ажалнинг шарбати ҳам дерлар. Малика бул жавобларни эшитгач баданида титроқ пайдо бўлиб, ғарқ терлаб, тахтдин ерга йиқилди ва беҳуш бўлиб қолди. Маликанинг оёқ тарафидин бир аждаҳо монанд қора илон пайдо бўлди, оғзидин заҳрини сочиб Ҳотамга ҳамла айлади. Ҳотам агар дафъ этмаса заҳар солиб ҳалок айлаши муқаррар эрди. Ҳотам дарҳол муҳрайи моҳ парини олиб оғзига солиб, ул илонни тутиб олди. Маликанинг олдида бир шиша бор эрди, ани ичига солиб оғзини маҳкамлади. Ул муҳрани сувга чайиб, шишанинг ҳамма жойига суртиб, ерни тизза баробарида кавлаб, ул шишани кўмди. Яна бир жом сувга муҳрани чайиб ул тупроқ узра сочди ва ният қилдиким "қиёматда бош кўтаргай" деб. Мундин хотиржам бўлиб ўтириб эрди, малика ҳушига келди. Ҳотамға боқиб айди, эй бегона киши, сен мунда нима қилурсан деб юзини беркитиб, ўзини чодир ичига олди. Ҳотам айди мен кечаги мусофир кишидурман. Малика фарёд уриб доями, надимни чақирди. Ҳамма ҳозир бўлдилар, кўрдиларким маликалари ҳушига келиб, номаҳрамидин юзини беркитиб ўлтирибдур. Мусофир киши сиҳат-саломатдур. Маликанинг отасига хабар бердилар, онасига ҳам хабар бердилар. Ҳамма келдилар кўрдиларким малика ҳушёрдир, мусофир эса ҳаётдир. Шоҳ Ҳотамдин сўрадиким эй некбахт, бу асрордин огоҳ қилғалким нечук воқеадур? Ҳотам дедиким бир жин маликага ошиқ бўлиб эркан. Ушбу сабаблар билан илон суратида бўлиб одамзодга зиён еткурур эркан. Ул жинни олло таолло иноятни бирлан банд айлаб йўқ қилдим деб, кўрган воқеаларини баён айлади. Малика айди алҳамдулиллоҳ шукуркким енгил тортиб улъ офатлардин қутилдим — деди.

Алқисса, шоҳ Ҳотамға дедиким энди мен сени фарзанд айладим, ушбу жигаргўшамни сенга бердим. Чароки аҳд айлаб эрдимки, нуридийдам кимдан шифо топса анга никоҳлаб бергайман, деб. Ҳотам айди башартики мен қаёнга борур бўлсам, борсам келсам, менинг бошимда қори хайр ишларим кўпдур, — деди. Шоҳ қабул айлади, малика ҳам рози бўлди, тўй ва томошолар айлаб, яхши соатда Ҳотамға ақд айладилар. Ҳотамни шабистони маликага олиб кириб, Маликани Ҳотам қўлиға топширдилар ва Ҳотамни малика қўлиға бериб, ҳамма ҳозирлар буларни ёлғиз қолдирдилар. Алқисса Ҳотам бирлан бирларидин камиёб бўлиб, баҳралар олиб аржуманд бўлдилар. Неча кунлар ўтди. Ҳотам шоҳ бирлан маликадан жавоб олиб Чин вилояти йўлиға равона бўлди. Алқисса, тоғ-чўлларни кезиб шаҳри Чинга қадам еткурди. Ул куни Сар бозорларни ва кўчагузарларни томошо айлаб, баззозлиқ маҳалласини сўраб топди. Ул гузар одамларидин Ҳожа Юсуф бозиргон (савдогар) уйини сўради. Одамлар билмадилар, баъзи кухан соллар (қариялар) дедилар, бу маҳаллада Ҳожи Юсуф деган йўқдир. Бир Хожа Юсуф бор эрди, қарийб 70 йил бўлди, ул фалон даштда қароқчилар қўлида ўлган, анинг ўғли бор, исми фалонийдур, — деб анинг уйини кўрсатдилар. Ҳотам келиб ул дарвозани ҳалқасини қоқди. Бир киши чиқди, мўйсафид қарийб юзга киргандур, айди Эй жавон кимга ишингиз бордур. Ҳотам айди мен мусофирдурман, бир-икки кун туриб ўтарман, деди. Хўб бўлгай деб, меҳмонхонага олиб кириб ўтказди. Об-ош айлаб ул кеча ўтди. Эрта бирлан нонуштада Ҳотам сўрадиким, эй ҳожам отингиз нимадур, — деди. Ул айди отамнинг исмлари Хожа Юсуф бозургондур, менинг отим Хожа фалондур дегач, Ҳотам айди фалон даштдан отангизни руҳларин гумашталари бирлан кўрдим, жума кечаси эрди, ҳаммалари шаҳид бўлгон эканлар. Ул гумашталар саҳийликдин роҳатдадур, Хожа Юсуф бахил киши эркан, бахилликнинг касофатидан азобда қолгон эканлар. Менга васиятнома битиб бердиларким, уйимда бир хазинам бордуркким ўғлим ҳам бенасибдур ва мен ҳам бебаҳрадурмен, то сиз бориб ўғлимни огоҳ айлаб, ул хазинани олиб, уч ҳиссадин бирини ўғлимга беринг, икки ҳиссасини фақир-мискинларга ҳайрот айланг деб, манга хат қилиб берди. Тўртбеш ойдин буён дашт водийларни кезиб келурман. Энди, агар бу сўзларга рози бўлсангиз Хожа Юсуфни ҳукмидек қилиб кетарман. Бўлмаса қабул айламасангиз отангиз азобда қолур. Ул хазинадин сиз ҳам бебаҳра қолурсиз, деди. Хожазода тафаккурда қолди, рост деса ёлғонга ўхшайдур, ёлғон деса ростга яқиндур ва лекин ҳеч ўлгандан бу навъ воқеа зуҳурга келган эмасдур. Жавоб берса дарвоқеъ бу сўзлар рост бўлса хўбдур, бўлмаса ҳалойиқ олдида шарманда бўлсам керакдур деб, кўп ҳаёлларга борди. Ул учдан бир ҳисса дунёни ҳаваси қўймади, жавоб берди. Ҳотам ўз ёнидин бир мушт нақдина чиқариб берди. Об-ош айлаб маҳалла одамларини йиғиб, ош тортиб Хожа руҳига дуо ва фотиҳалар ўқиб, ул жаъми халойиқ ҳузурида Хожазода тилидин хат-ҳужжат олди, токи хазина мавжуд бўлгандин сўнгра дунёга қизиқиб Хожазода аҳдидин қайтмагай. Эшитганлар ҳайрон бўлур эрдиларким, бу нечук асрордур деб.

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

(Давоми бор).

Мурувват

САХОВАТЛИ ИНСОНЛАР

Юртимизда мурувват кунлари ўтказилаётгани саховатли ҳамда ёрдамга муҳтож инсонлар қалбини тўлқинлантираётгани барчамизга аён.

Ана шундай меҳр-мурувватли тадбиркорлардан 70 ёшли меҳнат фахрийси Эргаш ота Ҳамидов ва Мурод Тўраевлар Мирзо Улуғбек туманидаги "Яланғоч" мавзесининг "Шаҳриобод" маҳалласидаги кам таъминланган оилалар ҳамда А. Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институтининг "Талабалар уйи"да истиқомат қилувчи талабаларига хайрия оши бердилар.

Миннатдор маҳалла аҳли номидан: Надежда ЯРЦЕВА, Мамаюсуф АБДУЛЛАЕВ, Александр ВРОНАЕВ, Ания ЮЛДАШЕВА.

Бека

МАСЛАҲАТЛАР

- Ҳар қандай пишириқ идишга жойланаётганда, атрофида озроқ бўшлиқ қолдирилса, пишириқ рисоладагидай пишиб чиқади.
- Кексингиз чиройли сариқ ранг олиши учун кечқурундан унга солинадиган тухумлар сариғини ажратиб олиб, озгина туз билан яхшилаб аралаштириб эрталабгача совуқ жойга қўйинг.
- Пирогимиз (жемли ва бошқа) рисоладагидек пишиши учун пастки қисмининг бир нечта жойига санчқи тиқилади.
- Газ патнисида пиширилаётган пирогингиз ёки печеньеларнинг маълум қисми куйишни бошласа, ўша жойини ёғ шимдирилган қоғоз билан ёпиб қўйинг. Мабодо печеньелар куйган бўлса у совугач майда қирғични печенье устидан юргизиб, шакар кукуни сепиб қўйишингиз мумкин.
- Агар ўсимлик ёки пахта ёғингизнинг ранги хиралашган бўлса-ю ундан ёқимсиз ҳид келаётганини сезиб қолсангиз, унга (1 литрга 1 чой қошиқ ҳисобида) туз солинг. Уч кун ўтгач ёғни бошқа идишга қуйинг, ёқимсиз ҳид, чўкинди ва туздан халос бўласиз.

Муҳаббат УМАРБЕКОВА.

Ҳамшаҳарларимизнинг дам олиш кунлари доимо завқли ўтади. Диққатингизга ҳавола этилаётган суратлар ушбу фикримиз далилидир.

Мунажжим тавсиялари: шанбадан-шанбагача

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН

- **12 февраль — шанба (Ойнинг 7/8-куни).** Мураккаб, адашиш ва алданиш куни. Бу кеча-кундуздаги Ойнинг таъсир қуввати одамларга жуда ҳам салбий бўлади. Шунинг учун кунни хотиржамликда ўтказиш, яхшиси — уни тўлалигича ишга бағишлаш керак. Эҳтиросларингизни жиловлашга интилинг. Ёқимсиз хабарлар олишингиз мумкин. Кўзгуда ўзингизга қарамаганингиз маъқул. Қандайдир муҳим муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилсангиз, у албатта хато бўлади.

Озиқ-овқатлардан ёки спиртли ичимликлардан заҳарланиш эҳтимоли кучли. Асабий ҳолатлар кучаяди. Тиш докторига боришни кейинги кунларга қолдира қолинг.

Азонга яқин кўрилган тушлар ўнгидан келади.

- **13 февраль — якшанба (Ойнинг 8/9-куни).** Мазкур кеча-кундузнинг таъсир қуввати ўта салбий. Кун бўйи Сизни ёқимсиз фикрлар, қўрқув ва кўнгилсиз ҳиссиётлар чулғаб олиши мумкин. Руҳингизни туширмасликка ва ваҳимага берилмасликка ҳаракат қилинг. Ҳеч қандай қатъий хатти-ҳаракатларга йўл қўйманг — улар янглиш бўлиши мумкин.

Имкон қадар томоғингизни эҳтиёт қилинг, қаттиқ совуқ қотишдан ўзингизни асранг ҳамда ҳаддан ортиқ жисмоний иш билан ўзингизни толиқтирманг. Гиёванд моддалар аралашган дориларни истеъмол қилишдан тийилинг. Сийдик-жинсий аъзолар билан боғлиқ муолажалар тавсия этилади.

Тушларингиз ҳам ёқимсиз, баъзан эса ваҳимали бўлиши мумкин. Лекин хавотирликка ўрин йўқ — улар ўнгидан келмайди.

- **14 февраль — душанба (Ойнинг 9/10-куни).** Шу кеча-кундузда Ойнинг таъсир қуввати ҳар жиҳатдан эзгуликка уйғун бўлади. Бу жуда осойишта кунлардан биридир. Мусиқани баланд қилиб қўйиш, қандайдир ёмон эҳтиросларни намоён этиш, одамларнинг жиғига тегадиган хатти-ҳаракатлар қилишга ўрин йўқ. Табиий уйғунликни бузишга интилиш бу ишга қўл урган одам учун ҳалокатли бўлиши мумкинлигини ёдингизда тутинг. Уй-рўзғор ишлари билан шуғулланиш, айниқса, ҳовли-жойларни тозалаш-поклаш билан боғлиқ ҳаракатлар ғоят фойдали.

Умумий аҳволингизда ноҳушлик сезишингиз мумкин. Юракни зўриқтириш керак эмас. Инфаркт, гипертоник кризга учраш эҳтимоли бор. Спиртли ичимликни суиистеъмол қилишдан тийилинг. Кучли таъсир этувчи тиббий дори-дармонларни истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Кўрган тушларингиз ҳам ёрқин ва шунга монанд бўлади. Улар Сизни тинчлантиради, асабий толиқишларингизни олади ва баъзан турли хасталиклардан халос бўлишингизга ёрдам беради.

- **15 февраль — сешанба (Ойнинг 10/11-куни).** Ички эркинликка эга бўлиш куни. Никоҳдан ўтиш, аёлларга кўз ёриши учун бу кун муваффақиятли келади. Ҳар қандай байрам тантаналари ва зиёфатлар яхши ўтади. Лекин уларнинг боришини назорат қилиб туриш керак. Зеро, бу кун жуда зиддиятли кучларга тўла бўлиб, ақл томонидан назорат бўлмаган тақдирда, ҳиссиётлар Сизни ўзингиз дастлаб кўзда тутмаган томонларга бошлаб кетиши мумкин.

Жисмоний кучларингизни у ёқ-бу ёғингизга қарамай сарфлашдан тийилганингиз маъқул — жуда толиқиб қолиш, асабийлашиш, юрак сиқилиши рўй бериши мумкин. Юрагингизни толиқтирманг. Ўткир юрак хасталиклари, инфаркт, инсультга чалиниш эҳтимоли бор. Кўпгина сурункали шамоллаш хасталиклари зўраяди. Бўғмалар, кўриш аъзолари ва турли хилдаги асаб тизими хасталиқларини даволаш тавсия этилади. Болалар саломатлигига алоҳида эътибор бериш керак.

Шу кеча-кундузда енгил ва ёқимли тушлар кўрасиз. Мабодо, мунгли ёки даҳшатли туш кўрсангиз — билингки, ҳаётингиздаги энг муҳим бирон нарсада ўз табиатингизга қарши бораяпсиз — бу ҳақда жиддий ўйлаб олишингиз даркор.

Бақлажон, помидор ва қалампир уруғларини сепиш мумкин.

- **16 февраль — чоршанба (Ойнинг 11/12-куни).** Шу куни меҳр-шафқат ва хайру саховат кўрсатиш куни. Мабодо, Сиз шундай қила олмасангиз, бошингизга тушган ташвишларга қарши ёлғиз ўзингиз курашишингизга тўғри келади — ҳеч ким Сизга кўмаклашмайди. Бу куннинг табиий қуввати Сизни ўз яқинларингизга яхшилик қилишга ундайди. Кимларнидир хафа қилиш, аччиқланиш, нафратланиш мутлақо мумкин эмас. Ўзингизни аяшингиз, аҳволингиздан нолишингиз, йиғлашингиз мумкин эмас: шундай аҳволда узоқ вақт қолиб кетишингиз мумкин. Бутун кунни ғоят сабр-тоқатли, хотиржам бўлиб ўтказишга ҳаракат қилинг.

Шу куни бошқа кунларга қараганда кўпроқ фалокатлар, шикастланишлар содир бўлади. Ошқозон хасталиги билан оғриганлар учун бу кун хатарли. Бўғимлар, невралгия ва руҳий хасталикларни даволаш яхши самара беради. Руҳий муолажаларни муваффақиятли қўллаш мумкин.

Мазкур кеча-кундузда кўрилган тушлар ўнгидан келади. Уларга ишонса бўлади. Тушингизга кирган ҳамма нарсалар саҳий ва оққўнгил кучлар томонидан хабар қилинади.

- **17 февраль — пайшанба (Ойнинг 12/13-куни).** Бу кеча-кундузда Ойнинг таъсир кучи инсон орзу-умидларига ҳамоҳангдир. Жуда осойишта кун. Мусиқани баланд қўйиш, салбий эҳтиросларни намоён этиш, бошқаларнинг ғашига тегадиган ишларни қилиш мумкин эмас. Атрофдаги уйғунликни бузишга интилган киши фалокатга учраши ёдингизда бўлсин. Уй-рўзғор ишлари билан, айниқса, ҳовли-жойларни тозалаш-поклаш билан боғлиқ ишлар билан шуғулланиш фойдали.

Умумий аҳволингиз ёмонлашиши мумкин. Юракка оғир туширмаслик керак. Инфаркт, гипертоник криз хавфи кучли. Спиртли ичимликлардан тийилинг. Кучли таъсир этувчи дори-дармонларни қўллаш тавсия этилмайди. Тушларингиз ҳам ёқимли, ёрқин бўлади. Улар Сизни тинчлантиради, асабий толиқишларингизни олади, ҳатто баъзи ҳолларда турли хасталиклардан халос этади.

- **18 февраль — жума (Ойнинг 13/14-куни).** Шу кеча-кундуз таъсири инсонни раҳм-шафқат, меҳр-мурувват кўрсатишга ундайди. Ҳар қандай ишни бошлаш учун бу кун муваффақиятли ҳисобланади. Яна шундай имконият юзага келишини бутун бир ой кутишингизга тўғри келади. Юрагингиз ўз-ўзидан сиқилиши мумкин. Лекин ташвиш чекманг — бу яна ўз-ўзидан изсиз йўқолиб кетади.

Танангизнинг ҳаддан ташқари совуқ қотишига йўл қўйманг. Юракда жарроҳлик муолажалари тавсия этилмайди. Юрак фаолиятида етишмовчилик хасталиги билан оғриган беморлар эҳтиёт бўлишлари керак — инфаркт рўй бериши эҳтимоли бор. Сурункали хасталиклар хуруж қилади. Шу куни бўғимлар ҳамда асаб тизими хасталикларини даволаш тавсия этилади ва улар самарали бўлади.

Тушларингиз маъюс бўлиши мумкин, лекин улар бирон нарсадан дарак бермайди.

Муҳтабар АҲМЕДОВА тайёрлаган.

Ажойиботлар

ҚОНХЎР ДАРАХТЛАР

Баъзида одамлар ҳаётига хавф соладиган дарахтлар ҳақида эшитиб, гоҳида ишонамиз, гоҳида йўқ. Лекин жаҳон матбуотида ана шундай дарахтлар борлиги ҳақида кўплаб ёзилмоқда.

Масалан, Конго давлатида майда жонзотларни тутиб олиш ва ейиш қобилиятига эга бўлган дарахтлар ўсар экан. Амазонкада узунлиги 24 метрни ташкил этган дарахтлар мавжуд бўлиб, улар ҳатто йўлбарс каби энг йиртқич ҳайвонларни ҳам тутиб олиш қудратига эга.

Мадагаскар оролида яшовчи аҳолининг таъкидлашича, у ерда бўйи 4 метр, эни эса 3 метр келадиган дарахтлар ўсади. Уларнинг танасидан шарбат томиб туради. Дарахтга одам ёки ҳайвон яқинлашадиган бўлса, унинг танасини ўраб олиб, тиканлари билан ҳужум қилади. Ўлжани шундай қисиб оладики, икки ҳафта давомида ушлаб туради. Барглари танасидан ажраганда эса ерга ўлжанинг қуруқ суяклари тўкилади. Ана шундан ҳам унинг қонхўрлиги аён бўлади.

Дилноза ҒИЁСОВА тайёрлади.

Бўш вақтингизда

БОШҚОТИРМА

Ёй бўйича марказ томон ўнгга: 1. Бадиий буюм, газламага тикиб туширилган гул, безак. 2. Ўзбекистондаги вилоят маркази. 3. Оммавий ахборот воситаси. 4. Ўзи ин қурмай бошқа қушлар уясига тухум қўювчи ўрмон паррандаси. 5. Шаҳар транспорти тури. 6. Шариат ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳукм чиқарувчи, фатво берувчи лавозимли уламо.

Ёй бўйича марказ томон чапга: 1. Қашқадарё вилоятидаги туман. 2. Уруғидан ичимлик тайёрланадиган жануб ўсимлиги. 3. Автомобилларнинг пойга мусобақаси. 4. Японияниинг Хонсю оролидаги шаҳар, маъмурий марказ. 5. Мақола, бадиий асар учун танлаб олинган соҳа. 6. Жануб ҳўл меваси.

Ёйлар бўйича: 7. Сартарошлик асбоби. 8. Ўрта аср қомусий олими Абу Али ибн Сино таваллуд топган Бухоро вилоятидаги маскан. 9. Ҳудуди Европа ва Осиё қитъаларига жойлашган давлат пойтахти. 10. Халқ латифалари қаҳрамони. 11. Ғарбий ярим шар шимолидаги ярим орол. 12. Дунё қитъаларидан бири. 13. Ой номи. 14. Вақт ўлчови бирлиги. 15. Буюм сиртига сайқал бериш бўёғи. 16. Йил фасли. 17. Насл, насаб. 18. Усти ёпиқ шарқона бозор.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Таниқли ўзбек маърифатпарвар шоири — 11, 1, 10, 2, 3.

2. Ҳикматдан: Яхши одам — қалбларга 10, 16, 8, 15. экувчидир.

3. Билимдон, ҳар жиҳатдан мукаммал инсон — 7, 4, 5, 4.

4. Абдулла Орипов шеъри — 1, 9, 6.

5. Коинотда бўладиган қисқа муддатли ҳодиса — 13, 12, 2, 5.

6. Қадимги юнон муаррихи Геродотнинг Марказий Осиё халқлари ўтмишига оид манбалар келтирилган асари — 17, 1, 15, 2, 14.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Ундан соат мили бўйича ўқиш билан пайғамбаримизнинг Ҳадиси Шарифларидан бири аён бўлади.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 4 ФЕВРАЛЬ СОНИДА ЧИҚҚАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Эзоп. 2. Пари. 3. Иймон. 4. Нақш. 5. "Шарқ". 6. Қаср. 7. "Рост". 8. Турон. 9. "Наво". 10. "Ором". 11. Мушк. 12. Кўшк. 13. Кимё. 14. Ёқут. 15. Тахт. 16. Тарҳ. 17. Ҳаёт. 18. Театр. 19. Румий. 20. Йилнома. 21. Арпа. 22. Ашъор. 23. "Рустам". 24. Машқ. 25. Қисса. 26. Арғумоқ. 27. Қайс. 28. Самбо. 29. Осиё. 30. Ёмби. 31. Ижара. 32. Авж. 33. Жамбул. 34. Лайлак. 35. Каратэ.

МУАММОНОМА

Ҳикмат: Меҳнат — толедир.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

ДУШАНБА, 14

ЎзТВ I

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба,14 феврал куни "Ўзбекистон-1" телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 15.00 гача ЎзТВ-IV "Халқаро" телеканали орқали намойиш этилади.

15.00 "Бешбармоқ". Тележурнал.
15.25 "Шарқнинг машҳур аёллари".
15.45 "Футбол майдонларида".
16.00 "Нодир шахс". Бадиий фильм.
17.20 "Севги сурури". Мусиқий дастур.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Аралаш". Ҳажвий киножурнал.
18.20 "ТВ патруль".
18.30 "Мувозанат". Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.50 "Бахтли воқеа".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Иқтисод ва биз".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истиқлолим — истиқболим".
21.20 "Қўшиққа кўчган сатрлар". Мурод Раҳмон.
22.10 "Ватанни севмоқ иймондандир..." Публицистик кўрсатув.
22.35 "Маънавият" дастури.
23.25 "Ахборот".
23.55 "Соқов ва муҳаббат". Бадиий фильм.
1.30-01.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр" ҳафта ичида.
9.40 "Ёшлар" телеканалида.
9.45 "Янги авлод" почтаси: "Ким эпчил-у? ким чаққон?"
10.20 "Мусиқий лаҳзалар".
10.30 "Олам футболи".
10.55 "Аср қиёфаси".
11.15 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
12.35 "Олтин мерос".
12.50 Баҳодир Йўлдошев театри: Саид Аҳмад. "Келинлар қўзғолони".
15.05 "Аскар мактублари".
15.30 "Ёшлар" телеканалида "Спорт-2000".
16.25 "Мусиқий лаҳзалар".
16.30 "Синфдош".
16.50 "Ёшлар" телеканалида "Спорт-2000".
17.45 "Мусиқий лаҳзалар".
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 "Янги авлод" студияси намойиш этади: ("Кичкинтой театри", мультомоша)
18.35 "Эски альбомдан".
18.40 "Жараён".
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс".
19.35 "Қалбимдаги Бобур". Қозоқбой Йўлдошев.
19.40 "Буюк юрт фарзандиман".
19.50 "Ёшлик баёзи".
19.55 "Дастхат". Илҳом Иброҳимов.
20.15 "Олтин мерос".
20.25 "Қалбимдаги Бобур". Бегали Қосимов.
20.30, 21.10, 22.30 Эълонлар.
20.35 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. 13-қисм.
21.15 "Бир пиёла чой устида".
21.35 "Қалбимдаги Бобур". Абдулла Орипов.
21.40 "Қишлоқдаги тенгдошим".
21.55 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.35 "Эколаш".
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.25 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.10 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
1.05 "Шарқ эстрадаси".
1.20 "Тонг юлдузи"

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.50, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Хўрозтепалик миршаб". Телесериал. 1-серия.
22.05 "Эҳтиром ила..."
22.45 "Спорт-тайм".
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Кинонигоҳ. "Меҳрибонлик".
00.20 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ IV

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Таҳлилнома".
8.40 "Ер ва диёр тароналари".
9.10 "Ўзбек киноси ижодкорлари".
9.30 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00 Янгиликлар.
10.05 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
10.25 Кундузги сеанс: "Бурилиш". Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.35 "Баркамол авлод орзуси".
13.00 О.Эргаш. "Дала ўртасидаги дарахт". Видеофильм.
14.10 "Оламга саёҳат". Кинокўрсатув.
14.30 "Тараққиёт йўли".
14.50 "Олис Жанубда". Мультфильм.
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари" (инглиз тилида)
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Вақт хазинасидан".
18.15 "Кўшдек енгил бўлинг". М.Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
18.45 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.55 "Дил изҳори".
19.50 "Ўзбошимча қизлар". Телесериал.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
21.40 "Махфий ҳужжатлар". (X-files). Сериал.
23.20 "Спорт-клуб".
23.30 "Вести".
00.00 "Мюзик-холл".
00.20 "Ахборот".
1.45 "Тунингиз осуда бўлсин!"

СЕШАНБА, 15

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Қоядаги расмлар".
8.55 "Чемпион билан учрашув". Спорт дастури.
9.10 Лирик тароналар.
9.40 "Табаррук қадамжолар".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.30 "Камолот сари".
10.50 Кундузги сеанс: "Сеҳрли саргузашт". Бадиий фильм.
12.05 Болалар учун. "Санъат гунчалари".
12.35 "ТВ патруль".
12.45 "Янги аср болалари".
13.05 С.Зуннунова. "Қайнона". Теленовелла.
13.35 "Бир наво истар кўнгил". Мусиқий дастур.
14.10 "Ишончли ҳамкор: банклараро телетанлов".
14.30 "Маънавият" дастури.
15.20 "Сирдошим".
15.40 "Мафусаил". Бадиий фильм.
17.25 "Рақслар гулдастаси".
17.40 "Музейдаги учрашув". АҚШ.
18.10 Болалар учун. "Жажжи гўзал".
18.30 "Мен туғилган тупроқ".
18.50 "Сиҳат-саломатлик".
19.05 "Иқтисод чорраҳаларида".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45, 22.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Зиё".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Олам қўшиққа тўлсин". Мусиқий дастур.
21.50 Соғлом авлод йили. "Чорраҳада". Телевизион театр премьераси. 1-қисм
22.35 "Ўзлигинг намоён қил". Экранда — Наманган вилояти.
23.10 "Ахборот".
23.40 "Мимино". Бадиий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Кичкинтой театри", Мульттомоша.
9.50 "Мусиқий лаҳзалар".
10.00 "Ақл ёшдамас".
10.15 "Мусиқий лаҳзалар".
10.25 "Кинотакдим".
10.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
12.05 "Дастхат". Илҳом Иброҳимов.
12.25 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. 13-қисм.
13.00 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
13.30 "Жаҳон эстрадаси".
14.45 "Мирзо Ғолиб". Телесериал.
15.35 "Жараён".
15.50 "Ёшлар" телеканалида: Теннис.
16.50 "Янги авлод": "Эркатой", "мультомоша".
17.25 "Бу мунис лаҳзалар".
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 "Қадимий Миср". Маърифий дастур.
18.40 "Таянч".
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс".
19.40 "Мунисам".
20.00 "Давр" - интервью.
20.15 "Танишинг: Тоир Қўзиев".
20.30, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.35 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. 14-охирги қисм.
21.10 "Марду-майдон".
21.30 "Ёшлар овози".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.35 "Эколаш".
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.25 "Ёшлар" телеканалида: "Ринг қироллари".
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.10 "Ёшлар" телеканалида: "Ринг қироллари".
0.35 "Сарвиноз". Мусиқий дастур.
0.45 "Янги тонг".

ЎзТВ III

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
9.15 "Ёрилтош". Мульттўплам.
9.45 "Халқ саломатлиги йўлида".
10.05 "Сен ҳақингда ва сен учун".
10.35 "Спорт-тайм".
10.55 Телегазета "Экспресс".
11.05-12.15 Кинонигоҳ. "Меҳрибонлик".
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.55, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Хўрозтепалик миршаб". Телесериал. 2-серия.
22.10 "Эҳтиром ила".
22.45 "Осойиштаталик посбонлари".
22.55 "Спорт оламида".
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Кинонигоҳ. "Классик".
1.00 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ IV

РЖТ 7.30-9.00
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
***
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари".
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Дил изҳори".
19.00 "Сени излайман".
19.50 "Ўзбошимча қизлар". Телесериал.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
21.50 "Дил изҳори".
22:30 "Вести".
23.00 "ТВ-4" да Немис тулкини.
23.15 Кинематограф. "Биз бўлмасак, ким..." Бадиий фильм.
00.40 "Ахборот" (рус тилида)
1.05 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ЧОРШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".
8.00—8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Шарқ тароналари". Озарбайжон.
9.10 "Бокира туйғулар".
9.30 "Остонаси тиллодан". Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00,18.00 Янгиликлар.
10.05 "Талаб ва таклиф".
10.30 Кундузги сеанс: "Эгнар чашмаси". Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 "Мактублар — кабутарлар".
12.35 "Мураббий". Спорт дастури.
12.55 "Қишлоқ ҳаёти".
13.20 Соғлом авлод йили. "Чорраҳада". Телевизион театр. 1-қисм.
14.10 "Мухлис ёхуд қўшиқ изидан". Мусиқий дастур.
14.50 "Жаҳон спорти".
15.05 Болалар учун. "Қувноқлар даврасида".
15.25 "Телекутубхона".
15.40 "Осмондан тушган мерос". Бадиий фильм.
17.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
18.35 "Иқтисод ва биз".
18.45 "Тилга эътибор".
19.05 "Солиқ ва назорат".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55, 22.40 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Таълим-тарбия миллий дастури — амалда".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Тараққиёт йўли".
21.25 "Ўзбекистон" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
"Умид" намойиш этади:
22.00 Соғлом авлод йили. "Чорраҳада". Телевизион театр премьераси. 2-қисм.
22.45 "Уйимдаги бегона". Бадиий фильм. 1-серия.
23.40 "Ахборот".
00.10 "Уйимдаги бегона". Бадиий фильм. 2-серия.
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Коинот сирлари", "Самовий саргузашт". Видеофильм. 11-қисм.
9.50 "Мусиқий лаҳзалар".
10.00 "Давр" - интервью.
10.15 "Янги авлод": "Эркатой", Мульттомоша.
10.50 "2000 йилдан сўнг". Телесериал. 12-қисм.
11.10 "Сарвиноз". Мусиқий дастур.
11.20 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
12.40 "Мусиқий лаҳзалар".
12.45 "Спектаклдан сўнг".
13.05 "Занжир ёхуд ўта махфий дафтар". Телесериал. 14-охирги қисм.
13.40 Футбол. 1999 йилнинг энг яхши ўйинлари. "Интер" - "Милан" (Италия).
15.20 "Шарқ эстрадаси".
15.35 "Мирзо Ғолиб". Телесериал.
16.20 "Мунисам".
16.40 "Мусиқий лаҳзалар".
16.50 "Ёшлар" телеканалида: "Ринг қироллари".
17.50 "Мусиқий лаҳзалар".
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади...
18.25 "Семурғ". Ўсмирлар учун дам олиш кўрсатуви.
18.40 "Ҳамкорлик".
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс".
19.35 "Рақслар қанотида".
19.50 "Далил ва шарҳ".
20.00 "Спорт-лотто".
20.10 "Лаззат".
20.30, 22.30 Эълонлар.
20.35 "Ракурс".
20.55 "ТВ анонс".
21.00 Сиз севган "Хўжа" гуруҳи.
21.20 "Эркин фикр".
21.50 "Каталог".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.35 "Эколаш".
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.25 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
24.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.10 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
1.05 "Хит-коллекция".
1.25 "Хайрли тун".

ЎзТВ III

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
9.15 "Ёрилтош". Мульттўплам.
9.45 "Туризм ҳақида".
10.15 "Спорт оламида".
10.35 Телегазета "Экспресс".
10.45-12.25 Кинонигоҳ. "Классик".
***
17.55 Кўрсатувлар дастури
18.00, 22.00, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.25 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Хўрозтепалик миршаб". Телесериал. 3-серия.
22.10 "Эҳтиром ила".
22.45 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
23.05 "Бурч ва масъулият".
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Кинонигоҳ. "Ягуар".
00.35 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ IV

РЖТ 7.30-9.00
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
***
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари".
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Дил изҳори".
18.55 "Инсон ва қонун".
19.50 "Ўзбошимча қизлар". Телесериал.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
21.50 "Дил изҳори".
22.30 "Вести".
23.00 "Дурдаршан".
23.20 Кинематограф. "Ўткир ҳийла". Бадиий фильм.
00.55 "Ахборот" (рус тилида)
1.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ПАЙШАНБА, 17

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00—8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Опера саҳифаларида". Мусиқий дастур.
9.15 "Саломат бўлинг!"
9.30 "Ишқнома". Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Болалигим — пошшолигим".
10.35 Кундузги сеанс: "Олти жаҳонгашта". Бадиий фильм.
11.40 "Меҳригиё".
12.05 "Инсон ва замин". Тележурнал.
12.30 "Премьера-2000".
12.50 "Ринг". Спорт дастури.
13.15 Соғлом авлод йили. "Чорраҳада". Телевизион театр. 2-қисм
13.55 Ватан тимсоллари.
14.10 Эстрада тароналари.
14.50 "Юрт ҳақида қўшиқ". Публицистик кўрсатув.
15.15 "Жавоҳирлар хазинаси". Адабий кўрсатув.
15.40 "Буни умр дерлар".
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 "Тақдири азал". Бадиий фильм.
17.05 "Мусиқа ва замон".
17.40 "Тинчлик қадри".
18.10 "Фарзанд — умид юлдузи".
18.25 "Харита". Халқаро шарҳ.
18.40 "Ажаб саодат эрур..." Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 "Ҳидоят сари".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.50, 23.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Юзма-юз".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Мен нечун севаман Ўзбекистонни!". Публицистик кўрсатув.
21.40 "Равзаи жаннат боғи". Мусиқий дастур.
22.10 Соғлом авлод йили. "Чорраҳада". Телевизион театр премьераси. 3-қисм.
22.55 "Сомон йўли".
23.30 "Ахборот".
00.00 "Олтин маъбуда". Бадиий фильм.
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Янги авлод" студияси намойиш этади...
9.35 "Мусиқий лаҳзалар".
9.40 "Маҳаллада дув-дув гап".
10.20 "Ҳақиқат чегараси". Телесериал.
10.45 "Мусиқий лаҳзалар".
10.50 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
12.10 "Садо-99" саҳифаларидан.
12.20 Болалар учун фильм. "Бинафшаранг шар".
13.35 "Бобур". Видеофильм.
14.20 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
15.50 "Довюраклар". Телесериал.
16.40 "Янги авлод": "Олтин калит", "Мультомоша".
17.15 "Бу ҳам кино" Телесериал.
17.40 "Хит-коллекция".
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Ғаройиб Аляска". Маърифий дастур.
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ-анонс".
19.35 "Мутойиба".
20.00 "Давр" - интервью.
20.15, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.20 "Ёшлар" телеканали намойиш этади: "Қабоҳатга қўйилган тузоқ" ("Ўзбектелефильм"). 1-қисм.
21.10 "Бегойим".
21.30 "Баҳс".
21.50 "ТВ-анонс".
21.55 "Мусиқий лаҳзалар".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.35 "Эколаш".
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.25 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.10 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
1.05 "Спорт-қитъаси".
1.35 "Хайрли тун".

ЎзТВ III

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
9.15 "Ёрилтош". Мульттўплам.
9.45 "Бурч ва масъулият".
10.00 "Яхши кайфият".
10.25 "Моҳир жарроҳлар".
10.45 Телегазета "Экспресс".
10.55-12.30 Кинонигоҳ. "Ягуар".
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 22.00, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Хўрозтепалик миршаб". Телесериал. 4-серия.
22.15 "Эҳтиром ила".
22.45 "Саховат".
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ. "Қўрқув исканжасида".
00.25 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ IV

РЖТ 7.30-9.00
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
***
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари".
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Клип-антракт.
18.15 "Каламбур". Юмористик журнал.
18.45 "Рей Брэдбери театри". Телесериал.
19.10 "Дил изҳори".
19.50 "Ўзбошимча қизлар." Телесериал.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
21.50 "Дил изҳори".
22.30 "Вести".
23.00 "Соккер-клуб"
23.20 "Кино сайёраси".
23.35 Кинематограф. Джулия Робертс "Ноттинг Хилл" фильмида.
1.35 "Ахборот" (рус тилида)
2.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ЖУМА, 18

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00—8.30 "Ахборот".
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 "Акаиро". Мультфильм.
9.10 "Соз сеҳри". Мусиқий дастур.
9.40 "Нигоҳ". Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 "Оналар мактаби".
10.55 Кундузги сеанс: "Шоҳ Султон ҳақида эртак". Мультфильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 "Юксалиш". Видеоканал.
12.45 "Ўзбекистон бастакорлари". Мусиқий дастур.
13.15 Соғлом авлод йили. "Чорраҳада". Телевизион театр. 3-қисм.
13.55 Ватан тимсоллари.
14.10 "Сомон йўли".
14.40 "Уйла! Изла! Топ!" Телемусобақа.
15.20 "Кодекс".
15.40 "Машриқ оҳанглари".
16.00 "Умид-шоу".
16.20 "Йўқолган хазина". Бадиий фильм.
17.45 "Сиҳат-саломатлик".
18.10 Болалар учун. "Ҳикматлар хазинаси".
18.30 "Ҳамкорлик ришталари".
18.50 "Куйла, ёшлигим".
19.05 "Имконият".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Рақибингиз — гроссмейстер".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Парламент соати".
21.25 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
22.10 "Маърифатнома". Имом ал-Мотуридий.
22.35 "Сиднейга йўл". "Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақиллик кубоги" халқаро турнири олдидан.
23.00 "Қиёфа". М.Матжонов.
23.30 "Ахборот".
00.00 "Ноёб тур". Бадиий фильм.
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Коинот сирлари", "Самовий саргузашт". Видеофильм. 12-қисм.
9.50 "Мусиқий лаҳзалар".
10.00 "Давр" - интервью.
10.15 "Янги авлод": "Олтин калит", Мульттомоша.
10.35 "2000 йилдан сўнг". Телесериал.
10.55 "Мусиқий лаҳзалар".
11.00 "Ҳақиқат чегараси". Телесериал.
11.25 "Ўтган кунлар". Амир Темур.
11.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
13.05 "Мусиқий лаҳзалар".
13.10 "Қабоҳатга қўйилган тузоқ". ("Ўзбектелефильм"). 1-қисм.
13.55 "Ёшлар" телеканалида: Интерфутбол.
15.25 "Уруш ва тинчлик". Бадиий фильм. 4-қисм. "Пьер Безухов".
16.55 "Ҳуқуқ ва бурч".
17.15 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 1-қисм.
18.05 "Янги авлод": "Оқ кабутар", Мульттомоша.
18.40 "Ёшлар ва маънавият".
18.55 "Мусиқий лаҳзалар".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ - анонс".
19.35 "Саломат бўлинг".
19.55 "Мусиқий лаҳзалар".
20.00 "Аср қиёфаси".
20.20, 21.05, 23.40 Эълонлар.
20.25 "Қабоҳатга қўйилган тузоқ". ("Ўзбектелефильм"). 2-қисм.
21.10 "Талабалик —даврим менинг".
21.30 "Автосалтанат".
21.45 "Соҳибқирон ёди". Амир Темурга бағишланган қўшиқлар.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Мусиқий лаҳзалар".
22.35 "Эколаш".
22.40 "Ёшлар" телеканалида. "Ринг қироллари".
23.45 Синема. "Шамолларда қолган". 1-қисм.
0.00 "Давр". Ахборот дастури.
0.10 Синема. "Шамолларда қолган".
1.35 "Жаҳон эстрадаси".
1.50 "Мунаввар тонг истаб".

ЎзТВ III

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
9.15 "Ёрилтош". Мульттўплам.
9.45 "Адабий иқлим".
10.05 "ТВК".
10.30 Телегазета "Экспресс".
10.40-12.05 Кинонигоҳ. "Қўрқув исканжасида".
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.55, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Хўрозтепалик миршаб". Телесериал. 5-серия.
22.10 "Эҳтиром ила".
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ. "Буч Кессиди ва Санденс Кид".
00.35 "Саодат калити".
1.05 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ IV

РЖТ 7.30-9.00
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
***
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари".
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Б.С.Н." янгиликлари.
17.15 "Экран зийнати ва қиймати".
17.35 "СНН-шоу".
17.50 "Сизнинг адвокатингиз".
18.05 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Жентльмен-шоу".
18.45 "Рей Брэдбери театри". Телесериал.
19.10 "Дил изҳори".
19.45 "Мўъжизалар майдони".
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00" Время".
21.55 "Дил изҳори".
22.30 "Вести".
23.00 "Шлягер".
23.20 Кинематограф. "Катта ота". Бадиий фильм.
1.50 "Ахборот" (рус тилида)
1.15 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ШАНБА, 19

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00—8.30 "Ахборот"
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Мусиқа бўстони". Телеальманах.
9.10 "Ҳидоят сари".
9.35 Телевизион миниатюралар театри.
10.10 "Ҳаёт чашмалари".
10.30 "Ўзбек спортининг нуфузи".
"Умид" намойиш этади:
10.50 "Шу кунлар шиддати".
11.10 "Билим-ринг".
11.50 "Мен билган, билмаган дунё".
12.10 "Қалб гавҳари".
12.30 "Мен нечун севаман Ўзбекистонни!" Публицистик кўрсатув.
13.05 "Жаннат". Бадиий фильм. 1-серия.
14.20 "Дўстлик" видеоканали: 1. Мехрангез. 2.Жетиген.
14.40 "Жаннат". Бадиий фильм. 2-серия.
16.05 "Шода-шода марварид". Мусиқий дастур.
16.35 "Қизиқарли учрашувлар".
17.00 "Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон республикаси мустақиллик кубоги" халқаро турнири.
18.00 "Миттивойлар оиласи". Кинокўрсатув.
18.20 "Зулфияхоним қизлари".
18.40 "Капитолия майдонидаги суҳбат".
19.05 "Нуқтаи назар".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 "Қишлоқ ҳаёти".
21.30 "Оталар чойхонаси". Мусиқий-дам олиш дастури.
22.30 "Халқнинг кўнгли".
"Спорт дастури":
22.50 "Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақиллик кубоги" халқаро турнир кундалиги.
23.20 "Футбол майдонларида".
23.40 "Ахборот".
"Тунги ёғду". Дам олиш дастури:
00.10 Киноконцерт.
00.25 "Юлдузингни бер, осмон". Бадиий фильм.
1.50-1.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.10 "Ёшлар" телеканалида.
9.15 "Янги авлод": "Оқ қабутар", Мульттомоша.
9.50 "Ракурс".
10.10 "Қадимий Миср". Маърифий дастур.
11.00 "Мусиқий лаҳзалар".
11.05 "Федерал полиция". Телесериал.
11.50 "Автосалтанат".
12.05 "Ёшлар" телеканалида: "Ринг қироллари".
13.05 "Мусиқий лаҳзалар".
13.10 "Баҳс".
13.30 "Қабоҳатга қўйилган тузоқ". ("Ўзбектелефильм"). 2-қисм.
14.15 "Мусиқий лаҳзалар".
14.20 "Хайрат".
14.40 "Ёшлар" телеканалида: Теннис.
15.40 "Сир".
16.00 "Мусиқа теграсида".
16.20 "Аскар мактублари".
16.40 "Ёш Индиана Жонс ҳаётидан". Телесериал.
17.20 "Мусиқий лаҳзалар".
17.25 "Катта танаффус", "Коинот сирлари", "Самовий саргузаштлар". Видеофильм премьераси. 13-қисм.
18.35 "Дилбарим".
18.55 "Олтин мерос".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "ТВ - анонс".
19.35 "Аёл қалби". Юлдуз Абдуллаева.
19.50 "Матбуот".
20.00 "Олтин мерос".
20.05, 20.55, 23.20 Эълонлар.
20.10 "Федерал полиция". Телесериал
21.00 "Баҳс, мунозара, таҳлил".
21.20 "Эколаш". Дам олиш кўрсатуви.
21.35 "Кутилмаган меҳмон".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Ёр ишқи". Мусиқий дастур.
22.40 "Каталог".
22.50 "Кўнгил кўнгилга пайванд".
23.25 Синема. "Шамолларда қолган". 2-қисм.
1.15 "Хайрли тун".

ЎзТВ III

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Тонгги пойтахт".
9.45 Болажонлар экрани. "Чипполино".
10.25 "Ишдаги ишқ ёки".
10.45 "Эрта бугундан бошланади".
11.15 "Дўстлик" видеоканали. "Немис шарҳи", "Сахий хонадонда".
12.00 Телегазета "Экспресс".
12.10-13.55 Кинонигоҳ. "Буч Кессиди ва Санденс Кид".
***
17.55 "Бугун Сиз билан "Шанба" дастури".
18.00 "Ёрилтош". Мульттўплам.
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.20 "Бугун Сиз билан "Шанба" дастури".
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Эҳтиром ила".
21.25 "Филипп Марлоу". Телесериал. 3-серия.
22.15 "Мисли гавҳар".
22.35 "Даллас". Телесериал.
23.25 "Олам".
23.45 Кинонигоҳ. "Италияликларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари".
1.20 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "Аэробика ҳамма учун".
9.25 "Болалар олами".
10.05 "Кино сайёраси".
10.20 "Инглиз тили Сиз учун".
10.45 "Дурдаршан".
11.05 "СНН-шоу".
11.20 "Биргаликда куйлаймиз".
12.05-13.45 Кинематограф. "Ўтмишдан саёҳат". Бадиий фильм.
***
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 "Бинафша".
17.55 "6х9". Телеўйин.
18.25 "Дил изҳори".
18.55 "Уйлаб топ!"
19.35 Надежда Румянцева ва Юрий Белов "Бензоколонка маликаси" комедиясида.
21.00 "Время".
21.55 "Эксклюзив".
22.15 "Дил изҳори".
22.55 "Муаллиф".
23.20 "Мюзик-холл".
23.40 Кинематограф. "Сугур куни". Бадиий фильм.
1.10 "Ахборот".
1.35 "Тунингиз осуда бўлсин!"

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

"Алп Жамол Банк"

хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки

ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

– Банк Кенгаши Раисининг Котиб-рефенти*
– Компьютер бўлими мутахассиси
– Амалиёт бўлими мутахассиси (муҳосиб)
– Банк ички аудити бош мутахассиси
– Кредит бўлими бошлиғи
– Хорижий валюта алмаштириш шохобчаси назоратчи-бухгалтери*

Умумий талаблар:

– мутахассислик бўйича олий маълумот;
– мутахассислик бўйича 3–5 йиллик иш стажи;
– ўзбек, рус тилларида эркин муомала қилиш ва иш юритиш;
– компьютерда эркин ишлаш;
– Тошкент шаҳрида доимий яшашлик рўйхати белгиси (прописка);
– ёш чегараси 40 гача;

*** инглиз тилини билиш эътиборга олинади**

Ушбу саволлар бўйича ходимлар бўлимига мурожаат қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, М. К. Отатурк кўчаси, 21 (мўлжал – "Зарафшон" ресторани).

Қабулга паспорт ва диплом билан келиниши лозим.

"Қорақамиш универсал бозори" Очиқ акциядорлик жамиятининг НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИЛЛИК МАЖЛИСИНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Ўрозбоев кўчаси, 21-уй (Асосий бозор маъмурияти биносида).

Мажлис 2000 йил 6 март соат 11.00 да ўтказилади. Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2000 йил 5 февраль ҳолатига кўра тузилган.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлик жамиятнинг 1999 йил молиявий-хўжалик фаолияти ҳисоботини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 1999 йилда бўлган молия ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосаси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш. Жамият аудиторини тасдиқлаш.
3. Жамият бошқарув раисини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2000 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 1999 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар микдори ва уни бериш тартибини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг янги Кузатув кенгаши аъзоларини тасдиқлаш.

"Қорақамиш универсал бозори" очиқ акциядорлик Жамиятининг 2000 йил 1 январгача бўлган БАЛАНСИ

Баланснинг "АКТИВ" қисми	Баланснинг "ПАССИВ" қисми
1. Асосий воситалар – 1244,3	1. Устав капитали – 1816,7
2. Номоддий активлар – 7202,8	2. Ўтган йиллар жамғарма капитали – 397,5
3. Ишлаб чиқариш захиралари 367 – 475,3	3. Қўшилган капитал – 203,9
4. Товарлар – 84,4	4. Келгуси давр даромади –
5. Пул маблағлари – 717,6	5. Кредиторлар – 7479,4
6. Дебиторлар – 1780,10	6. Соф фойда – 1607
Баланс – 11504,5	Баланс – 11504,5

1999 ЙИЛ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ:

№ Кўрсаткичлар номи	Натижа кўрсаткичлар
1. Маҳсулот сотишдан тушган тушум	17373
2. Сотишдан тушган ялпи молиявий даромад	13041,9
3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси	8538,7
4. Ҳисобот давридаги соф фойда	1607

Баланснинг тўғрилиги "Тошбозортайёрловсавдо" уюшмаси "ОСИЁ-АУДИТ" фирмаси орқали тасдиқланди. Ҳужжатлар билан танишиш бошқарув идорасида ўтказилади.

МАНЗИЛИМИЗ: "Қорақамиш универсал бозори" Очиқ Акциядорлик Жамияти. Ўрозбоев кўчаси, 21-уй.

Кузатув кенгаши.

**Тошканбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат циркида
2000 йилнинг 28 январидан бошлаб
МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ
Икки бўлимдан иборат ранг-баранг жанрли дастур
Африка ЙЎЛБАРСЛАРИ
ўргатувчилар Наталья ва Вячеслав
ЖУРАВЛЁВлар
КУКЛАЧЕВ МУШУКЛАРИ ўргатувчи Маша МАЛЬЦЕВА
Иллюзион аттракциони Россия халқ артисти СОКОЛ
оралиқларда қизиқчилардан Григорий ЯЛОВОЙ, Александр ТОДИКА
ва Сергей ВАСИЛЬЕВларнинг чиқишлари
ЦИРК ҲАФТАДА УЧ КУН ИШЛАЙДИ
Томошалар жума куни соат 18.00 да, шанба ва якшанба кунлари
эса 12.00, 15.00,
18.00 да бошланади.
Касса эрталаб соат 9.00 дан очиқ
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан
сотилади.
Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.
Маълумот учун телефонлар:
144-35-91, 144-29-04.**

◆ Чилонзор туманидаги "Ҳамкориш" масъулияти чекланган жамият фирмаси тугатилади.

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида 116-96-04 телефони орқали қабул қилинади.

◆ Шайхонтоҳур туманидаги 6 сотихли девори бор, пойдевори қўйилган жой сотилади. Тел: 137-12-28.

"Тошкент универмаги" ОАСИЧЖ жамоаси универмагнинг собиқ раҳбари **Хуршид Ҳасанович ИНОҒОМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўзэлектрасбобсавдо" ҳиссадорлик жамияти жамоаси "Фан" маркази раҳбари Нуриддин Раҳимовга волидаи муҳтарамаси **ИҚБОЛХОН АЯнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-097.   Босмага топшириш вақти 11.30   1 2 3 4 5 6